2017 ЙИЛ 26 МАЙ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 109 (13.442)

Баҳоси эркин нархда

## ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ – АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗДИР

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев 26 май куни пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди**

Истиқлол йилларида пойтахтимиз ўзгача тароват ва замонавий қиёфа касб этди. Бир-бирини такрорламайдиган маъмурий бинолар, турар жойлар, кенг ва равон кўчалар, замонавий кўприклар, муҳташам савдо мажмуалари, бозорлар бунёд этилди.

Президентимиз Шайхонтоҳур туманидаги "Сузук ота" мақбараси ва жомеъ масжидида бўлди.

Мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний бағрикенглик тамойилларини таъминлаш, уларнинг қонуний асосларини яратиш ва ривожлантириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида миллий урф-одат ва қадриятларимизни тиклаш, муқаддас динимизни, азиз авлиёлар ва уламоларимизнинг бой меросини ўрганиш, уларнинг қадамжоларини обод қилиш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Сузук отанинг исми Мустафоқул бўлиб, 1140 йилда таваллуд топган. У Аҳмад Яссавий қизи Гавҳари Ҳуштожнинг кенжа ўғли бўлган. Болалик чоғида бобоси у кишини эркалаб "Менинг сузигим (суюклигим), хуш келдингиз!", дегани боис атрофдагилар ҳам уни шу исм билан чақира бошлаган. Сузук ота юзлаб шогирдларга илм бериб, ҳунарга, ҳалол меҳнатга ўргатган. 1363–1364 йилларда буюк бобокалонимиз Амир Темур Яссавийнинг набираси Сузук ота қабри устида мақбара ва масжид бунёд эттирган.

Мустақиллик йиллари бу муқаддас қадамжо қайта тикланиб, ободонлаштирилди. "Сузук ота" маҳалла фуқаролар йиғинида беш мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада ҳунармандлик, дурадгорлик, ўймакорлик ривожланган.

Бундай масжид ва мақбаралар маънавиятимизни янада юксалтиришга, юртимизда эзгулик нурини зиёда этишга хизмат қилиши керак, деди давлатимиз раҳбари. Бу ерда ҳам ҳунармандлар маркази ва кутубхона ташкил этиш лозим.

Президентимиз мутасаддиларга мақбара ва масжидни реконструкция қилиш, атрофини ободонлаштириш бўйича топшириқлар берди.

Мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар, миллий қадриятларимизни тиклаш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, келажагимиз эгалари бўлган баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатлар, кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари самараси барчамизга чексиз фахр-ифтихор бахш этмоқда.

Шавкат Мирзиёев "Тошкент иссиқлик маркази" акциядорлик жамиятининг 3-иссиқлик марказида бўлди. Мазкур иссиқлик маркази 1970 йилларда қурилган бўлиб, тумандаги 937 объектга иссиқлик қуввати етказиб беради.

Бугунги кунда қозонхона ва тармоқлар техник ва маънавий эскиргани, марказий қозонхоналар истеъмолчилардан узоқ масофада жойлашгани сабабли иссиқлик етказиб беришда айрим муаммолар юзага келмоқда. Тошкент шаҳрини тўлиқ энергиятежамкор локал қозонхоналарга ўтказиш зарур, деди Президентимиз.

Шу ерда Шайхонтоҳур туманида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилиши режалаштирилган истиқболли лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди.

Тижорат банклари аҳолига банк хизматлари кўрсатиш билан бирга, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, даромадини ошириш, иш билан таъминлашда ҳам самарали ишлар олиб бормоқда. Тақдимоти ўтказилган лойиҳаларда ана шундай масалалар ўз ифодасини топган. Унда тижорат банклари томонидан аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги маълумотлар келтирилди. Лойиҳаларда яратиладиган иш ўринларига қараб кредитнинг йиллик ставка фоизи пасайиб боради. Битта иш ўрни яратган тадбиркор учун 9 фоиз, иккита иш жойи яратганлик учун 8 фоиз, бешта ва ундан ортиқ иш ўрни яратган тадбиркорнинг кредит ставкаси 6 фоиз қилиб белгиланади.

Бу лойиҳалардан мақсад халқимиз фаровонлигини ошириш ва турмуш шароитини янада яхшилашдир. Шунинг учун ҳар бир лойиҳани сифатли ва ўз вақтида бажаришга алоҳида эътибор бериш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Жорий ўқув йилида тумандаги 9 касб-ҳунар коллежини 4,5 мингдан кўпроқ ўқувчи тамомлайди. Уларнинг аксарияти билан тўрт томонлама шартнома тузилган, битирувчилар иқтисодиёт комплексига кирувчи ташкилотларда амалиёт ўтамоқда.

Тумандаги коллежларда ўқувчилар қайси соҳалар бўйича ўқишни тамомлаётгани, кредит олиб ўз тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган ёшлар ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари битирувчиларнинг биронтаси ҳам бўш қолмаслиги, уларнинг ишга жойлашишини қатъий назоратга олиш зарурлигини таъкидлади.

Туманда ташкил этилиши режалаштирилаётган кўп тармоқли саноат кластери истиқболли лойиҳа сифатида баҳоланди.

Шайхонтоҳур туманида саноатни янада ривожлантириш керак, деди Президентимиз. Бунинг учун соҳани атрофлича ўрганиш ва чет эллик инвесторларни жалб қилиш зарур.

Ташкил этилаётган кластерда трикотаж, фармацевтика, чарм-пойабзал, электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришга кенг ўрин берилади. 2 минг иш ўрни яратилиши кўзда тутилган лойиҳанинг умумий қиймати 250 миллион долларни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан молиялаштирилаётган қоғоз ишлаб чиқариш лойиҳасида қоғоз маҳсулотларига бўлган эҳтиёж, жорий қилинаётган замонавий ишлаб чиқариш технологияси ҳақида маълумот берилди.

Мамлакатимизда хусусий тиббиёт тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим босқични бошлаб берди. Шайхонтоҳур туманида амалга ошириладиган лойиҳаларда бу соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

"Trust medikal centre" масъулияти чекланган жамияти очаётган тиббий марказга ривожланган давлатлардан юқори сифатли жарроҳлик ускуналари келтириб ўрнатилмоқда. Жорий йилнинг учинчи чорагида фойдаланишга топшириладиган мазкур клиникада 60 иш ўрни яратилади.

"Zangiota zam-zam" МЧЖ "Савдогарбанк" кредитлари эвазига отоларингология ва гинекология соҳасида замонавий тиббий хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳага қўл урган. 2018 йилнинг иккинчи чорагида тўлиқ ишга туширилиши кутилаётган лойиҳада 30 кишининг бандлиги таъминланади.

Туманда 2017 йилда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун киритиладиган инвестициялар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Кимё ва нефть-кимё, қурилиш материаллари, мебель ва қоғоз, озиқ-овқат, тўқимачилик, фармацевтика, чарм-пойабзал, қандолатчилик, меҳмонхона хўжалиги, электротехника соҳаларидаги лойиҳаларга ажратиладиган кредитлар миқдори, янги корхоналарда яратиладиган иш ўринлари ҳақида батафсил ахборот берилди.

Шавкат Мирзиёев Белтепа ва Жарариқ кўчалари кесишган жойда барпо этилаётган кўнгилочар истироҳат боғи қурилишини кўздан кечирди.

Мазкур боғ концепциясида миллий меъморлик анъаналари ва замонавий шаҳарсозлик талаблари уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилган. Боғ ҳудуди 10 гектар бўлиб, бу ерда кўнгилочар масканлар, замонавий аттракционлар, қишки боғ, чархпалак, мусиқали фавворалар, скейтборд ва чанғи учиш жойлари, велосипед йўлаклари, боғ бўйлаб дор йўли, кафелар, 5 қаватли автомобиллар турар жойи қурилиши режалаштирилган.

Ушбу боғдаги ёпиқ кўнгилочар масканлар йилнинг тўрт фаслида ҳам одамлар ҳордиқ чиқариши учун кенг имконият яратади. Боғ ҳудудига қуёш энергияси ёрдамида ишлайдиган ёритиш устунлари ва замонавий соябонлар ўрнатилади.

Ҳудуд мусаффолигини таъминлаш мақсадида боққа каштан, қарағай, япон сафораси, магнолия, қайин каби ҳавони тозаловчи ва кислород билан бойитувчи дарахтлар, турли буталар экилади.

Истироҳат боғида оммавий томошалар, концерт дастурлари, кўргазма, спорт мусобақалари ва бошқа турли тадбирлар ўтказиш имконияти яратилади. Турли ҳунармандлик, спорт тўгараклари, маҳорат дарслари ташкил этилади.

Лойиҳани амалга ошириш учун биринчи босқичда 18 миллион доллар, иккинчи босқичда 22 миллион доллар маблағ ўзлаштирилиши мўлжалланмоқда.

Боғнинг биринчи босқичини 2018 йилда, иккинчи босқичини 2019 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Боғ тўлиқ ишга тушгач, 350 киши иш билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбари боғ лойиҳаси билан танишар экан, мазкур маскан пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг севимли даргоҳларидан бири бўлиши, одамлар ҳордиқ чиқариши учун барча зарур қулайликлар, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлайдиган инфратузилма барпо этиш лозимлигини таъкидлади.

Бизнинг асосий вазифамиз – одамларнинг самарали меҳнати ва кўнгилли дам олиши учун муносиб шарт-шароитлар яратишдан иборат, деди Шавкат Мирзиёев. Бу ерда сайр қилиш учун имконият яратиш ва турли аттракционлар ўрнатиш билан чекланмай, бу масканни катта-ю кичик учун севимли ҳордиқ масканига айлантириш зарур.

Мутасадди раҳбарларга қурилиш ишларини сифатли амалга ошириш, ободонлаштириш ишларида манзарали дарахт ва буталарни кўпроқ экиш бўйича зарур кўрсатмалар берилди.

Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ пойтахтимизда бунёд этиладиган Қорақамиш истироҳат боғи, "Эски шаҳар" савдо маркази, кўп қаватли турар жойлар, талабалар миллий илмий-маърифий маркази, Ислом маданияти маркази лойиҳалари янада такомиллаштирилди.

Ислом Каримов кўчасида 3,5 минг ўринли Универсал спорт саройи, Махтумқули кўчасида Ашхобод боғи, Шайхонтоҳур туманида замонавий савдо маркази, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ёзувчилар уюшмаси биносини қуриш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Ушбу лойиҳалар қурилишини тезлаштириш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Президентимиз раислигида Давлат солиқ қўмитаси биносида ўтган йиғилишда Тошкент шаҳри ва туманлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари иштирок этди. Унда давлатимиз раҳбари асос солган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойлардаги Халқ қабулхоналари халқ билан мулоқотнинг ноёб тизимига айлангани, турли масалаларга ўз вақтида ечим топилиб, одамларни рози қилаётгани таъкидланди. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Йиғилишда аҳолига барча зарур шароитлар яратиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, коммуникация тизимларини янгилаш, ҳудудларни ободонлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқа долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ БОШ ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 май куни Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг тўртинчи мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Туркия Республикаси Бош вазири ўринбосари Йилдирим Туғрул Туркешни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик ва мулоқотлар фаоллашаётганини мамнуният билан қайд этди.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг 2016 йил 17-18 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрига ташрифи чоғида ва жорий йил 14 май куни Пекин шаҳрида ўтган "Бир макон, бир йўл" халқаро форуми доирасида олий даражадаги самарали учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги кенг кўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун юқори суръат бағишлагани ва янги имкониятлар яратгани таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистонда тўқимачилик, чарм, кимё ва фармацевтика соҳалари, қурилиш материаллари саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва бошқа йўналишларда, жумладан, "Ургут" эркин иқтисодий зонаси доирасида юқори технологияли замонавий корхоналарни ташкил этиш бўйича аниқ лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун Туркиянинг етакчи компаниялари билан амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Туризм соҳасида ўзаро ҳамкорлик, хусусан, замонавий сайёҳлик объектлари инфратузилмасини ривожлантириш, биргаликда сайёҳлик маҳсулотларини таклиф этиш, соҳада малакали кадрлар тайёрлаш бўйича улкан салоҳият мавжудлиги таъкидланди.

Тошкентда Ўзбекистон ва Туркия компания ҳамда корхоналари иштирокида бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлиси ва Инвестиция форуми натижалари, ўзаро шерикликнинг истиқболли йўналишлари ва қарийб 2 миллиард долларлик ҳамкорлик лойиҳалари белгилангани мамнуният билан қайд этилди.

Йилдирим Туғрул Туркеш Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг юксак ҳурмати ва эзгу тилакларини етказди. Туркия Бош вазири ўринбосари Туркия компанияларининг мамлакатимизда фаолият юритиши қўллаб-қувватланаётгани ва яратилган қулай шароитлар учун Туркия раҳбарияти номидан миннатдорлик билдирди ва кенг кўламли ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

**ЎзА**

## "БАРКАМОЛ АВЛОД" СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

*Қадрли ўғил-қизларим!*

*Аввало, мана шу унутилмас ва ҳаяжонли дақиқаларда сиз, азиз фарзандларимизни, сизларга омад ва зафарлар тилаб турган муҳтарам устоз-мураббийлар, ота-оналарни, барча спорт мухлисларини гўзал ва бетакрор Жиззах шаҳрида "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.*

*Сизларга яхши маълум, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳот ва ўзгаришлар, кенг кўламли дастурлар ягона ва улуғ бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, фарзандларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялашдан иборат.*

*Бугун сизлар иштирок этаётган, юртимизда еттинчи бор ўтказилаётган "Баркамол авлод" спорт ўйинлари шу йўлдаги саъй-ҳаракатларимизнинг яна бир амалий намоёни, десак, айни ҳақиқат бўлади.*

*Эътиборга молик жиҳати шундаки, бу мусобақалар биринчи марта бундан 17 йил олдин айнан мана шу қутлуғ заминда – мард ва олижаноб инсонлар юрти бўлган Жиззах вилоятида ўтказилган эди.*

*Ўтган даврда "кичик олимпиада" деган ном билан халқимиз ўртасида катта шуҳрат қозонган бу беллашувлар юзлаб, минглаб навқирон ўғил-қизларимиз учун чинакам чиниқиш ва маҳорат мактаби, парвоз майдончаси бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.*

*Ана шу спорт ўйинларида тобланиб, ҳозирги кунда халқаро майдонларда Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган Ҳасанбой Дўстматов, Руслан Нурудинов, Шаҳобиддин Зоиров, Нигина Шарипова, Фазлиддин Ғойибназаров, Шаҳрам Ғиёсов, Бектемир Меликўзиев, Барно Мирзаева, Умида Абдуллаева, Рустам Тўлаганов, Муроджон Аҳмадалиев, Гулноза Матниёзова, Ихтиёр Наврўзов, Элмурод Тасмурадов, Диёрбек Ўрозбоев, Ришод Собиров каби машҳур спортчиларимизнинг номларини барчамиз ҳурмат ва ғурур билан тилга оламиз.*

*Энг муҳими, қанчадан-қанча ёшларимиз шу мусобақалар орқали спорт билан, соғлом турмуш тарзи билан ошно бўлганини ҳисобга оладиган бўлсак, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада ўйинларидан иборат уч босқичли тизимнинг моҳияти ва аҳамияти янада яққол аён бўлади.*

*Барчангиз хабардорсиз, 2016 йили Бразилияда бўлиб ўтган, ер юзининг энг кучли спортчилари қатнашган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчилари 13 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 21-ўринни, Осиё давлатлари орасида тўртинчи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида иккинчи, Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллагани, ҳеч шубҳасиз, улкан тарихий воқеадир.*

*Ишончим комил, сизлар ана шундай марраларни забт этаётган моҳир ва фидойи спортчиларимиз изидан бориб, келгусида бундан ҳам катта натижаларга эришасиз.*

*Ҳурматли анжуман қатнашчилари!*

*Юртимиздаги 1500 дан зиёд лицей ва коллежлар вакиллари иштирок этадиган бугунги "Баркамол авлод" ўйинлари юксак савияда, ҳалоллик, мардлик ва адолат руҳида ўтишига, жўшқин ва кескин курашларга бой бўлишига, сизларнинг ҳар бирингиз ғалаба учун бор куч ва имкониятингизни сафарбар этишингизга, нафақат жисмоний, айни вақтда халқимизга хос ноёб маънавий фазилатларни ҳам намоён қилишингизга ишонаман.*

*Кўпни кўрган, ҳаёт синовларида тобланган, не-не улуғ инсонлар, кураги ерга тегмаган паҳлавонлар юрти бўлган Жиззах аҳли, ушбу вилоятдаги тенгдошларингиз билан бўладиган самимий мулоқот ва учрашувлар барчангизнинг хотирангизда ўчмас из қолдиришига аминман.*

*Фурсатдан фойдаланиб, ёшлик ва нафосат байрами, маҳорат ва камолот кўриги бўлган бу мусобақаларни юқори даражада ўтказиш учун замонавий спорт иншоотлари, инфратузилма объектлари бунёд этган, бу йўлда сидқидилдан хизмат қилган барча фидойи инсонларга, бутун Жиззах аҳлига ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.*

*Қадрли ўғил-қизларим!*

*Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва ишонаман, Худо хоҳласа, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам бўлади.*

*Ана шундай ёруғ келажакни аввало мбор сиздек азму шижоатли, жўшқин орзу-интилишлар билан ҳаётга кириб келаётган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган навқирон авлодимиз, бутун Ўзбекистон ёшлари барпо этади.*

*Шу эзгу йўлда барчангизга энг олий саодатни – халқимиз ва Ватанимизга ҳамиша муносиб фарзанд бўлиш бахтини тилайман.*

*Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги катта воқеа – "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг очилиши билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.*

*Доимо соғ-омон бўлинг, омад ва зафар сизларга ҳамиша ёр бўлсин!*

***Шавкат МИРЗИЁЕВ,***
***Ўзбекистон Республикаси***
***Президенти***

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР ЎРТАСИДА КООПЕРАЦИЯНИ КЕНГАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ 2006 ЙИЛ 5 ЯНВАРДАГИ ПФ-3706-СОНЛИ ФАРМОНИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Касаначиликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, саноат корхоналари билан касаначилик ўртасида кооперацияни кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сонли Фармони 3-бандидаги "2019 йилнинг 1 январигача" деган сўзлар "2021 йилнинг 1 январигача" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 24 май*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# КАСАНАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилишнинг самарали воситаларидан бири бўлган касаначиликни янада ривожлантириш ҳамда замонавий машина, асбоб-ускуналар, хомашё ва материалларни харид қилиш учун молиявий ресурслар билан фойдаланишни кенгайтириш орқали оила бюджетлари даромадларини кўпайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки, Молия вазирлиги ва тижорат банкларининг Тошкент шаҳрида тижорат банклари томонидан "Касаначиликни қўллаб-қувватлаш бўйича Консорциум" масъулияти чекланган жамиятини (кейинги ўринларда Консорциум деб юритилади) 50,0 миллиард сўмлик бошланғич устав капитали билан ташкил этиш ва уни иштирокчилари орасида 1-иловага мувофиқ тақсимлаш борасидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Консорциумга:

мазкур қарорнинг 2-иловасида келтирилган рўйхатга мувофиқ замонавий машина, асбоб-ускуналар, хомашё ва материалларни харид қилишга касаначи ва (ёки) касана маҳсулотларини ишлаб чиқаришга буюртма берувчи корхоналарга заёмларни ажратиш;

мазкур қарорнинг 2-иловасида келтирилган касаначилик турлари бўйича уй шароитида маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш учун маркетингни амалга ошириш ва буюртмачиларни топиш вазифалари билан таркибий бўлинмалар ҳамда касаначи ва касана маҳсулотларини ишлаб чиқаришга буюртма берувчи ташкилотлар ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатишни таъминлаш бўйича – Тошкент шаҳрининг барча туманларида филиалларни ташкил этиш;

амалга оширилаётган иш ҳажмларига мувофиқ Консорциумнинг таркибий бўлинмалари ходимлари сонини мустақил белгилаш;

касаначилар ва касана маҳсулотларини ишлаб чиқаришга буюртма берувчи ташкилотлар билан маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш борасидаги шартномаларни тузиш ҳуқуқлари берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

касаначиларга замонавий машина, асбоб-ускуналар, хомашё ва материалларни харид қилиш учун заёмларни ажратиш сотиб олинаётган товарларни кафилликка олиш орқали амалга оширилади;

2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб касаначилар учун жисмоний шахсларга қўлланиладиган даромад солиғи қатъий 7,5 фоиз миқдорида белгиланади.

4. Консорциум барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилиб, бўшаётган маблағлар устав жамғармасини тўлдиришга йўналтирилсин.

5. Тошкент шаҳри ҳокимияти манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда Консорциумга фаолиятини ташкил этиш ва келгусида амалга ошириш масалаларида амалий ёрдам кўрсатсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент шаҳри ҳокимияти икки ҳафта муддатда Консорциум ва унинг туман филиалларини жойлаштириш учун бино ва хоналарни ажратиш борасида таклифлар киритсин.

7. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

касаначилар билан корхоналар ўртасида ўзаро иқтисодий ҳамкорлик борасидаги, шу жумладан, корхоналар буюртмаларини уй шароитларида бажариш истагини билдирувчи маҳаллалар аҳолисини аниқлаш фаолиятини жадаллаштиришни;

аҳоли орасида касаначилик афзалликларини тушунтириш бўйича жадал тарғибот ишлари амалга оширилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар ҳамда Консорциум иштирокчилари билан биргаликда касаначиларга замонавий машина, асбоб-ускуналар, хомашё ва материалларни харид қилиш учун заёмларни тақдим этиш тартиботлари тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиб, бир ойлик муддатда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун белгиланган тартибда киритсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги босма ва электрон оммавий ахборот воситаларини, шу жумладан, интернет умумжаҳон ахборот тармоғини кенг жалб қилган ҳолда мазкур қарорнинг мақсади ва вазифаларини аҳоли орасида тизимли равишда мунтазам ва ҳар томонлама ёритиб борилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Иқтисодиёт вазирлиги ва Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 24 май*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2996-сонли қарорига 2-илова*

**"Касаначиликни қўллаб-қувватлаш бўйича Консорциум"масъулияти чекланган жамияти томонидан ажратиладиган заёмлар эвазига ташкил этиладиган касаначилик турлари**

**РЎЙХАТИ**

1. Тўқима ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
2. Галантерея (атторлик) маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
3. Қандолат ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
4. Мебель маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
5. Электротехника маҳсулотларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш.
6. Боғдорчилик ва ободонлаштириш хизматлари.

***Жиззах шаҳрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг "Баркамол авлод – 2017" республика спорт мусобақалари бошланди.***



**"Баркамол авлод – 2017"**

# ЁШЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ, МАҲОРАТ ВА КАМОЛОТ КЎРИГИ





Илк бор Жиззахда, сўнгра Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Тошкент, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида ўтказилган "Баркамол авлод" ёшлар спорт ўйинлари руҳи ва нафаси бугун яна Жиззах заминида ҳукмрон.

"Баркамол авлод" нафақат спорт байрами, балки ёшлар ўртасида дўстлик риштаtotal таранним этувчи, уларни ягона мақсад сари руҳлантирувчи бекиёс кучга айланиб бормоқда.

Мамлакатимизда йўлга қўйилган уч босқичли тизим – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинлари улғайиб келаётган навқирон авлод онгига соғлом турмуш тарзини болаликдан бошлаб чуқур сингдиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Жиззах шаҳри камалакнинг барча рангларини ўзида мужассам этган бетимсол қиёфа касб этди. Бу минглаб чироқлар ёғдусида акс этган мафтункор манзара мамлакатимизнинг барча соҳаларида рўй бераётган ўзгаришлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ҳаётимизнинг янада сермазмун бўлиб бораётганининг ўзига хос рамзига айланди.

Нурларга бурканган шаҳарнинг "Сўғдиёна" стадионига элтадиган Шароф Рашидов шоҳкўчаси, Алишер Навоий кўчаси бу байрамона манзаранинг марказини ажиб тарзда бирлаштириб, гўзаллик бағрида гўзаллик яратган. Боиси шу иккала кўча ўртасида жойлашган "Сўғдиёна" стадионида катта спорт байрами – "Баркамол авлод – 2017" финал мусобақаларининг тантанали очилиш маросими ўтади.

"Баркамол авлод – 2017" жиззахликлар учун алоҳида аҳамиятли воқеадир. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва ёшларимизнинг севимли спорт анжуманига айланган уч босқичли спорт мусобақаларининг ўрта бўғини – "Баркамол авлод" биринчи мусобақаси Жиззахда бошланганини жиззахликлар ҳамон илиқ таассуротлар билан эслайди.

Орадан йиллар ўтиб, ушбу йирик нуфузли тадбир – ёшлик, баркамоллик, нафосат ва бирдамлик байрами – "Баркамол авлод – 2017" мусобақаларига мезбонлик қилаётган Жиззах янада чирой очди.

"Баркамол авлод – 2017" мусобақаларининг очилиш маросими ўтаётган замонавий спорт мажмуаси кейинги уч йилда барпо этилди. Унинг таркибида ўн минг томошабин ўринли "Сўғдиёна" стадиони, енгил атлетика, сузиш ва гимнастика заллари, матбуот анжуманларини ўтказиш учун конференц зал ва бошқа қулайликлар мужассам этилган.

...Ниҳоят, орзиқиб кутилган дақиқалар келди. Спорт ихлосмандлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан тўлган стадион узра "Баркамол авлод – 2017" спорт ўйинларининг чорлов садолари янграйди.

Майдонга Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, Тошкент шаҳри терма жамоалари кириб келади.

Жиззах вилояти ҳокими У.Узоқов академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг "Баркамол авлод – 2017" спорт ўйинларини очиқ, деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Баркамол авлод – 2017" спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Давлатимиз байроғи кўтарилади.

"Баркамол авлод" спорт ўйинлари байроғи ҳилпирайди.

"Баркамол авлод – 2017" спорт мусобақалари иштирокчилари бўлажак беллашувларда ҳалол ва муросасиз курашишга тантанали қасамёд қилади.

...Стадионга Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтининг қуёш ўчоғидан аланга олдирилган "Баркамол авлод – 2017" спорт ўйинларининг машъаласини кўтарган йигит ва қиз кириб келади.

"Баркамол авлод – 2017" спорт ўйинлари оловини бокс бўйича икки карра Олимпия ўйинлари иштирокчиси Хуршид Тожибоев ва дзюдо бўйича Осиё чемпиони Ирода Абдураҳмонова ёқади.

Томошабинларнинг ҳаяжонли хитоблари, гулдурос олқишлари билан кутиб олинган ушбу аланга ёшларимизнинг қайноқ қалби, ёниқ орзу-интилишлари рамзи сифатида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг "Баркамол авлод – 2017" мусобақалари давомида порлаб туради.

Мутахассислар ва кенг жамоатчилик томонидан "Кичик Олимпиада", деб таърифланган уч босқичли узлуксиз спорт тизими мусобақалари Олимпия ўйинлари қоида ва талаблари асосида ўтказилади. Эътиборлиси, "Баркамол авлод" спорт мусобақалари биринчи марта Жиззах вилоятида спортнинг 8 тури бўйича (баскетбол, волейбол, футбол, енгил атлетика, миллий кураш, белбоғли кураш, теннис ва сузиш) ташкил этилганди. Бу йилги мусобақаларда спортнинг ўн етти – баскетбол, волейбол, футбол, қўл тўпи, оғир атлетика, дзюдо, юнон-рум кураши, эркин кураш, бокс, сузиш, таэквондо, енгил атлетика, бадиий гимнастика, теннис, стол тенниси, бадминтон ва шахмат турлари бўйича ўтказилмоқда.

Ушбу мусобақа мамлакатимизда ёшларни халқимиз орзу қилган баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда эришаётган ютуқларимиз намойишидир. Бугун мусобақада иштирок этаётганлар ўз соҳалари бўйича пухта билим олган, замонавий ахборот технологияларини ўзлаштирган, хорижий тилларни яхши биладиган, билимли, юксак маънавиятли ва айни пайтда жисмонан соғлом ёшлар вакилларидир. Бундай марраларга эришишда давлатимиз томонидан болалар спортини ривожлантиришга кўрсатилаётган катта ғамхўрлик муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътиборнинг амалдаги самаралари – ёшларимизнинг жаҳон ва қитъа миқёсидаги нуфузли мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бугун Ватанимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилаётган спортчилар орасида уч босқичли спорт тизимидан етишиб чиққан ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Мазкур уч босқичли ноёб спорт тизими мутахассислар томонидан янги педагогик технология сифатида эътироф этилиб, бугун кўплаб давлатлар уни катта қизиқиш билан ўрганаётир.

"Баркамол авлод" спорт мусобақалари еттинчи маротаба ўтказилмоқда. Мусобақанинг мамлакат босқичида туман, шаҳар, вилоят миқёсидаги беллашувларда ўз иқтидори ва қобилиятини намоён этган энг сара спортчилар қатнашмоқда. "Баркамол авлод" беллашувларида қайд этилаётган натижалар, кўрсаткичлар, рекордлар йилдан-йилга ўсиб бораётгани ёшларимизнинг спортдаги салоҳияти юксалаётганидан далолатдир. Аҳамиятли жиҳати, мусобақалар Ўзбекистон ёшларининг дўстлик ва бирдамлиги рамзига, нафосат ва гўзаллик байрамига айланиб бормоқда.

Ушбу мусобақаларга мезбонлик қилаётган Жиззах вилоятида спортни ривожлантириш, айниқса, болалар спортининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши учун қулай шароит ва кенг имкониятлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён ўтган даврда вилоятда ўнлаб спорт иншоотлари, жумладан, болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

"Баркамол авлод – 2017" спорт ўйинларига тайёргарлик ишларида вилоят аҳли бир тану бир жон бўлиб қатнашди, десак, муболаға бўлмас. Бундай жипсликни, уюшқоқликни бугун вилоятда қад ростлаган кўплаб спорт иншоотлари, қайта реконструкция қилинган бинолар, обод хиёбон ва кўчалар намойиш қилиб турибди.

Президентимизнинг Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, Жиззах шаҳрини бош режа асосида қайта қуришга бераётган эътибори туфайли "Сўғдиёна" стадиони жаҳон андозалари даражасида янгидан қурилиб, бир неча спорт тури билан шуғулланиш имконияти яратилган спорт залини ўз ичига олган спорт мажмуаси барпо этилди. Вилоят марказидаги "Ёшлар шаҳарчаси", "Истиқлол" болалар боғи, "Ўрда" ёшлар экологик боғида ҳам катта ҳажмда реконструкция ишлари амалга оширилди.

"Баркамол авлод" мусобақалари дастурига киритилган спорт турлари бўйича иншоотлар, иштирокчилар жойлаштириладиган меҳмонхона, ётоқхона ҳамда бошқа ижтимоий-маиший объектлар замонавий андозаларда таъмирланиб, жиҳозланди. Жумладан, Жиззах олимпия захиралари коллежи, Жиззах политехника институти, шу институт қошидаги 1-сон академик лицейи спорт залларида, бир қатор коллежларнинг турар жойлари ва спорт заллари, иншоотларида кенг кўламдаги таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

"Баркамол авлод – 2017" спорт ўйинларининг финал босқичи қатнашчилари учун қизиқарли ва кўнгилочар тадбирларга бой маданий дастур тайёрланди. Унда таниқли спортчилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндалари билан учрашувлар, диққатга сазовор жойларга саёҳатлар, турли концертлар, бадиий фильм ва саҳна асарлари намойишлари, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан таништириш сингари тадбирлар кўзда тутилган.

...Майдонга мусиқа садолари остида ранг-баранг либослардаги спортчилар, таниқли эстрада хонандалари кириб келади. Улар ижро этган саҳна кўринишлари, қўшиқ ва рақсларда Ўзбекистон ёшларига хос интилиш, ғайрат-шижоат, жўшқинлик ва нафосат намоён бўлади. Мамлакатимизнинг истеъдодли ёш авлоди вакиллари ёрқин театрлаштирилган томоша намойиш этади.

"Баркамол авлод – 2017" спорт мусобақалари ўйинларининг тантанали очилиш маросими катта концерт дастури билан якунланди.

"Баркамол авлод – 2017" спорт мусобақаларининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов иштирок этди.

**(ЎзА)**

## Йилдирим Туғрул ТУРКЕШ:

# МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНИШИДАН МАНФААТДОРМИЗ

***Пойтахтимизда Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Туркия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу мажлисда иштирок этиш учун келган Туркия делегацияси раҳбарлари турли даражада учрашувлар ўтказди.***

*ЎзА мухбири Туркия Республикаси Бош вазири ўринбосари Йилдирим Туғрул Туркешнинг бу ҳақдаги фикрларини сўради.*

– Аввало, вақт ажратиб, бизни қабул қилгани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдирамиз.

Давлат раҳбарларининг ташаббуси билан мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янги босқичга қадам қўйди. Кейинги 7 ойда олий ва юқори даражада беш марта учрашув бўлиб ўтди. Ишчи гуруҳлар доимий ва фаол иш олиб бормоқда.

Иқтисодий, инвестициявий алоқалар изчил ривожланмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Туркия ҳукуматлараро комиссияси мажлиси жуда самарали бўлди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, ишбилармон доираларга кенг қулайлик ва имтиёзлар яратиш бўйича биргаликда иш олиб бормоқдамиз. Бунинг учун икки томонда ҳам хоҳиш, ўзаро манфаатдорлик мавжуд.

Туризм соҳаси ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишларидан. Туркияликлар Ўзбекистонни ота юртимиз, деб эъзозлайди. Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа алломаларни яхши билади. Шу боис Ўзбекистонни келиб кўришга, тарихий қадамжоларни зиёрат қилишга орзуманд. Бу соҳада ҳам янги қулайликлар яратилиши сайёҳлар алмашинуви кўпайишига хизмат қилади.

Тўқимачилик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни кенгайтирмоқдамиз. Савдо-иқтисодий алоқаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистонда Туркиянинг Зироат банки филиалини очишни режалаштирмоқдамиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланишидан манфаатдормиз.

**А.САМАДОВ**
**ёзиб олди**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси 2017 йил 27 май куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

**XXI аср садоси**
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Андижон машинасозлик институтида "Нурли келажак сари" шиори остида очиқ эшиклар куни ўтказилди.Тадбирда битирувчиларга институтда мавжуд мутахассисликлар, талабалар учун яратилган шароит ва имкониятлар, 2017-2018 ўқув йили учун белгиланган қабул квоталари ҳақида кўргазмалар, бевосита суҳбатлар орқали маълумотлар берилди.**

**• Ўрта Чирчиқ туманида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан "Инсон – азиз, хотира – муқаддас" мавзусида хайрия тадбири ўтказилди. "Саховат – беназир қадрият" лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда партия ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари, халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашлари депутатлари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фронти фахрийлари, маҳалла фаоллари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.**

**• Нукусда олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказилаётган "Тафаккур синовлари" танловининг учинчи ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Унда Бухоро давлат тиббиёт институти, Навоий давлат кончилик институти, Урганч ва Қорақалпоқ давлат университетлари талабалари иштирок этди.**

## ЖАҲОНДА

**• АҚШ президенти Дональд Трамп баъзи мамлакатларга мудофаа соҳасини ривожлантириш учун беғараз грант маблағларини ажратишдан воз кечиш лозимлиги таклифи билан чиқди.**

**• Зимбабведа овчиларнинг профессионал гуруҳи аъзоларидан бири Теунис Бота устига фил қулаб тушиши оқибатида ҳалок бўлди. Гап шундаки, овчилар сафари давомида кутилмаганда бир неча филга дуч келишди. Улар овчиларга ҳужум қилди. Бота ҳайвонларга қарата ўқ уза бошлади. Шундан сўнг филлардан бири уни хартуми билан тутиб олди. Дўстини қутқариш учун бошқа овчилар ҳам унга ўт очишди. Оқибатда яраланган ҳайвон Ботанинг устига қулади ва уни мажақлаб ташлади.**

Маҳалланг – ота-онанг





***Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар кенгашининг конференцияси ўтказилди. Бугунги кунда шаҳримизда олиб борилаётган кенг кўламли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида аҳолимиз фаоллигини ошириш, уларнинг фуқаролик бурчларини кучайтириш мақсадида конференция иштирокчилари томонидан пойтахт аҳолисига Мурожаат қабул қилинди.***

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ПОЙТАХТ АҲОЛИСИГА

# МУРОЖААТИ

**Азиз ҳамшаҳарлар!**

Биз улкан ўзгаришлар, оламшумул янгиланишлар даврида яшамоқдамиз. Давлатимиз раҳбари муҳтарам Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг халқимиз ҳаётини яхшилаш борасида узоқни ўйлаб олиб бораётган ишларидан кўнглимиз тоғдек юксалмоқда, қалбларимиз ғурурга тўлмоқда. Юртбошимиз ўзбек маҳалласига "халқ виждони", "маҳалла раиси – менинг жойлардаги вакилим", дея юксак ишонч билдирмоқда. Биз пойтахт зиёлилари, маҳалла вакиллари бундай ғамхўрлик ва чексиз эътибордан миннатдор бўлиб, шаҳримизнинг ҳар бир фуқаросига шундай савол билан мурожаат қилмоқдамиз: **Биз пойтахтимизни янада обод, гўзал ва мафтункор бўлишига заррача бўлса-да, ҳисса қўшмоқдамизми?**

Тошкентни бугун нафақат ватандошларимиз, балки узоқ-яқиндан ташриф буюраётган хорижликлар ҳам озода, кўркам, гўзал шаҳар сифатида таърифламоқда.

Аммо маҳаллаларимизнинг ички кўчалари, ҳовлиларимиз атрофидаги тозалик, ободончилик ҳақида бундай дея олмаймиз. Ота-боболаримиздан қолган чиройли удумларимиз қаёққа йўқоляпти? Қани маҳалла-кўй? Қани кўпни кўрган нуронийларимиз, онахонларимиз?

Ҳаммамиз маҳалла фуқаросимиз. Сизларни, бир қатор бизни ўйлантираётган, ташвишга солаётган масалалар юзасидан ҳамжиҳатликка чақирмоқчимиз.

Маҳаллаларимизда тадбиркорларимиз томонидан қачонлардир яхши ниятларда хусусийлаштирилган кўплаб иморатлар бўш турибди. Уларни ишлатиш учун ўша тадбиркорларимизнинг балки хоҳиши йўқ, ёки улар бу бино ва иншоотларни вақти келганда фойдаси билан сотиб юбориш истаги билан юрибди. Аммо айнан ўша маҳаллаларда юзлаб банд бўлмаган аҳолини ким иш билан таъминлайди? Маҳалла фаоллари бўш ётган бино ва иншоот эгалари олдига бу муҳим масалани кўндаланг қўйиш фурсати етди, деб ўйлаймиз!

Ўрганишлар ҳақиқатда ночор оилаларга манзилли кўмаклашиш, уларни оёққа туриб олишларига туртки беришда ҳамжиҳатлик йўқлигини кўрсатмоқда. Бу ўринда маҳалла-кўй, оқсоқоллар, шу ҳудудда истиқомат қилаётган мансабдор шахслар, қолаверса тадбиркорларнинг лоқайд ва бепарво бўлишаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Биз учун оилавий ажралишлар, ўз жонига қасд қилишларнинг замирида турган сабаблардан бири бўлган етишмовчилик, жамиятга қўшила олмаслик каби ички кемтикликни йўқотишдан муҳимроқ вазифа борми? Жамиятда ҳеч кимга керак эмаслигини ҳис этган одамдан ҳар нарсани кутиш мумкин. Турли жиноятларнинг кўпайиб бораётганлиги, оилавий нотинчликлар фақатгина ўша одамларнинггина муаммоси деб қарасак, хато қиламиз. Бундай оилаларнинг кўнгли ярим бўлиб ўсаётган фарзандлари ҳам эртага биз яшайдиган шу умумий оилада яшайди, уларнинг қалбидаги норозилик, атрофдагиларга нафрат туйғуси жамиятга юк бўлиши турган гап! Буни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Ўғлонларимиз онгига оиланинг шарафли юкини кўтариш йигитлик ори экани, қизларимизга оиланинг бекаси бўлишдек бахтнинг бебаҳолигини сингдирайлик. Тўй-ҳашамларимиздаги ақлга сиғмас дабдабалар-у, исрофгарчиликларга чек қўяйлик.

Бир-бири билан чамбарчас бўлиб кетган муаммоларнинг яна бири – ҳеч қаерда ишлашни истамайдиган бекорчи фуқаролар билан боғлиқ. Фарзандларининг ҳаёти, келажаги билан умуман қизиқмайдиган бефарқ, фақат ўзини ўйлайдиган инсонлар бор экан, бу ҳам ҳаммамизнинг камчилигимиз, деб қарашимиз лозим.

**Азиз юртдошлар!**

Бизга зимдан қора ният билан қараб турганлар борлигини, бундайин тинч ва осуда ҳаётни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини унутиш мумкинми? Муқаддас дин ниқоби остида дунёнинг турли мамлакатларида амалга оширилаётган хунрезликлар ижрочилари орасида бизнинг маҳалладошимиз ёки ён қўшнимиз, қайси биримизнинг эса опа-синглимиз, ака-укамиз ёки фарзандимиз бор экан, хотиржамликка, бепарволикка берилишга ҳаққимиз борми? Ахир улар Ватанимиз ва буюк аждодларимиз шаънига доғ туширмоқда.

Қаердаки бефарқлик бўлса, ўша ерда жиноят ҳам кўпаяди. Ён-атрофимиздаги турли ножўя, ноқонуний ишлардан огоҳ бўлиб, уларни бартараф этишда дахлдорлик ҳисси билан ёндошайлик.

Таълим муассасаларидаги давоматни жамоатчилик назорати остига олсак, бу билан кўплаб хавотирга сабаб бўлувчи омилларни йўққа чиқарган бўламиз.

Айрим фуқароларимиз томонидан фойдаланилаётган табиий газ, электр манбаи каби коммунал хизматлар учун сурункали равишда ҳақ тўламай келаётганлиги шак-шубҳасиз умумхалқ мулкига хиёнатдир. Уларга жамиятда боқиманда, текинхўр ва қонунбузарларга ўрин йўқ эканлигини етказиб қўйишнинг аллақачон фурсати етди, деб ҳисоблаймиз!

**Азиз ҳамшаҳарлар!**

Тошкент, унинг ҳар бир гўшаси, ҳар бир томчи суви, ҳар бир сиқим тупроғи сиз-у бизники – ҳаммамизники! Тошкент шаҳрида эзгу ният билан ҳар ҳафтанинг шанба куни "озодалик куни" сифатида белгиланган. Инсон қалби айнан покиза туйғулар билан ҳамоҳанг яшаса, жамиятда одамларнинг ёруғ орзулари, кўнгил тубидаги эзгу тилаклари амалга ошар экан. Пойтахтимизнинг келажаги, фарзандларимизнинг истиқболи учун ҳамжиҳат бўлайлик!

Ватан ва халқ манфаати, Тошкентдек бетакрор, гўзал ва мафтункор она шаҳримизнинг нурафшон келажагига ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшайлик!

***Тошкент шаҳри,***
***2017 йил май***

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚМОҚДА

***Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш борасида белгиланган вазифалар, хусусан, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишда давлат бюджетининг алоҳида ўрни бор.***

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Уларда "Парламент назорати тўғрисида"ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йилдаги ва 2017 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги масалалар депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинмоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг мажлисида ушбу ҳисобот батафсил муҳокама қилинди.

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати – давлат бюджетини қабул қилиш бўйича миллий парламентда ўзига хос механизм шаклланган. Шу маънода бу ЎзЛиДеП фракциясига иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини камайтириш, хусусий мулкнинг ролини тубдан ошириш борасида олиб борилаётган чоралар устидан самарали назоратни таъминлаш бўйича алоҳида масъулият юклайди.

Мажлисда 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари изчил ва тизимли амалга оширилиши натижасида иқтисодиёт ўсишининг барқарор ва юқори суръатларига ҳамда макроиқтисодий мувозанатга эришилгани, ижобий суръатлар жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам сақлаб қолингани, буларнинг барчаси иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратгани таъкидланди.

Фракция аъзолари томонидан давлат бюджети ва мақсадли давлат жамғармалари бюджетлари ижросини партия электоратининг манфаатлари ҳамда сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш нуқтаи назаридан таҳлил қилишга эътибор қаратилди.

2016 йил якунларига кўра, маҳаллий хомашё ресурсларини босқичма-босқич чуқур қайта ишлаш ва тайёр истеъмол маҳсулотлари номенклатурасини кенгайтириш тармоқлари эвазига саноат маҳсулотларининг юқори ўсиш суръатларига эришилди. Хусусан, тўқимачилик буюмлари, кийим ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш 111,7 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари 110,8 фоиз, фармацевтика маҳсулот ва препаратлари 123,9 фоиз, кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлари 129,7 фоизга оширилишига эришилди.

Депутатлар йил давомида мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича амалга оширилган пудрат ишлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ортишига, уларни саноат асосида чуқур қайта ишлашга, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасининг ривожланишига туртки бўлганини алоҳида қайд этиб ўтди. Фракция аъзоларининг фикрича, яқин истиқболда мамлакатимиз юқори сифатли, рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни ташқи бозорларга экспорт қилиш бўйича минтақадаги етакчи давлатга айланади.

Фракция аъзолари муҳокамалардаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб ҳамда давлат бюджетининг ижроси тасдиқланган параметрларга мувофиқ таъминланганлигини қайд этган ҳолда давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йилда ҳамда жорий йилнинг биринчи чорагида ижро этилиши юзасидан ўз нуқтаи назарларини белгилади ва ҳисоботни маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилди.

* * *

"Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси йиғилишида жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар, салбий тенденциялар ва бозор конъюнктурасидаги беқарорликларга қарамасдан Ўзбекистонда давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан профицит билан ижро этилгани таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йилдаги ҳамда жорий йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот партиянинг дастурий мақсадлари ва сайловолди платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди.

Фракция аъзолари 2016 йилда иқтисодиётни диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришга энг замонавий, илғор технологияларни жорий этиш орқали уни модернизациялаш миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилаётганлигини алоҳида таъкидлади. Булар, ўз навбатида, иқтисодиётнинг юқори барқарор суръатларда ўсишини ва макроиқтисодий мувозанатлиликни таъминлаганлигини алоҳида қайд этди.

Мамлакатимизнинг тарихий-меъморий, ижтимоий-маданий меросини асраб-авайлаш ва сақлашга йўналтирилган маблағларнинг сарфланиши таҳлил қилинди. Ушбу мақсадларга давлат бюджетидан ажратилган маблағлар мамлакатимиз маданий мерос объектларида таъмирлаш ҳамда консервация ишларини амалга ошириш бўйича дастурлар ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Муҳокамалар чоғида фракция аъзолари ҳукумат томонидан тақдим этилган ҳисоботларни қўллаб-қувватлаб, партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда мамлакат бюджетининг ижроси билан боғлиқ бир қатор масалаларга эътибор қаратди.

Аввало, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси остида жаҳон бозорига маҳсулот чиқаришга ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқараётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган чора-тадбирларни тизимли давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган давлат бюджети ижроси юзасидан фракциянинг нуқтаи назари шакллантирилиб, ҳисоботни маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**Нурилло НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси ва мамлакатимизда фаолият юритаётган миллий маданият марказлари ҳамкорлигида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонини ўрганиш, унинг ижросини таъминлашда партия олдида турган вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари З.Умаров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлаш, турли миллат ва элатлар, диний конфессиялар ўртасидаги бағрикенглик, аҳиллик ва тотувликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистонда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари аҳил-иноқ яшаб, жамият ҳаётини равнақ топтириш йўлида самарали меҳнат қилаётир.

– Мамлакатимизда бошқа миллат вакиллари каби корейс миллатига мансуб аҳолининг билим олиши, ўз она тилини ўрганиши, урф-одат ва анъаналарини ривожлантириши учун барча шароит яратилган, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон корейс маданият марказлари уюшмаси раиси Виктор Пак. – Давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этаётган, юксак давлат мукофотларига сазовор бўлаётганлар орасида турли миллат вакиллари борлигидан фахрланамиз. Бу Ватанимизда барча миллат вакиллари учун тенг имкониятлар яратилгани самарасидир. Президентимиз фармонини ўқиб, мамлакатимизда миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилишига амин бўлдик.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида янги ташкил этилган Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди.

**Ш.МАМАТУРОПОВА**

***Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳар доимгидан-да гавжум. Боғнинг манзараси, одамларнинг кайфияти ҳам ўзгача: эртак қаҳрамонлари Зумрад ва Қимматга ҳайрат билан боқиб турган қизалоқ, ёзувчи ва шоирлар билан суҳбат қураётган ёшлар, турфа китоблар билан тўла қатор-қатор жавонлар, китобхонликка чорловчи мақол, шиор ва расмлар туширилган баннерлар...***

Юксак маънавият – енгилмас куч

# КИТОБ ДУНЁСИГА САЁҲАТ

Боғдаги тантанали тадбирда янграётган эълон эътиборингизни тортади: "Мамлакатимизда бугун, 25 май куни "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" шиори остида ўтказиладиган "Китоб байрами" бошланди! Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган бу каби тадбирлар 27 майга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида давом этади..."

Байрам тадбирининг очилишида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, халқ шоири Иқбол Мирзо, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон ва бошқалар мамлакатимизда ёшларни юксак маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялаш, уларнинг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу борада олиб борилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Миллий адабиётимизни равнақ топтириш, буюк аждодларимизнинг бой меросини асраб-авайлаш, китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилаётган доимий эътибор халқимиз тафаккурини янада бойитиш, ёшларни билимли, соғлом фикрли, маънавиятли инсонлар этиб вояга етказишда муҳим омил бўлаётир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида ташкил этилаётган республика "Китоб байрами" ҳар томонлама самарали, кўтаринки руҳда ўтиши учун пухта тайёргарлик кўрилди. Байрамнинг пойтахтимизда ўтаётган тадбирларида 100 га яқин нашриёт, матбаа корхонаси ва китоб савдоси ташкилотлари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда 120 дан зиёд нашриёт, 1 минг 760 дан ортиқ матбаа корхонаси фаолият юритмоқда. Ҳар йили 3 минг номдан зиёд, 60 миллион нусхадан ортиқ китоб маҳсулотлари нашр этилмоқда. Нашрлик ва матбаа ишларини ривожлантириш, матбаа корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида китоб маҳсулотларини чоп этиш кўлами ва сифати ошаётгани эътиборга молик.

– Халқимизнинг, хусусан, ёшларимизнинг китобхонлик маданиятини юксалтиришда бу байрамнинг ўрни, аҳамияти йилдан йилга ошиб бормоқда, – дейди Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири И.Зойиров. – Ахборот асрида, ахборот технологиялари тобора ривожланиб бораётган даврда яшар эканмиз, мамлакат тараққиётининг муҳим омилларидан бири – китобхонликка эътиборнинг долзарблигини доимо ҳис қилишимиз, китоб мутолааси бўйича ислоҳотларни ҳар биримиз, аввало, оиладан бошлашимиз керак. Ўтган йили нашриётимизда дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа йўналишлардаги китобларни ҳисобга олмаганда 217 номдаги 4 миллион нусхадан ортиқ бадиий китоблар чоп қилинди. Улар орасида жаҳон адабиёти дурдоналаридан бевосита таржима қилинган асарлар ҳам кўп. Бугунги байрамда қилинган ишлар натижасини нафақат намойиш қилиш, балки китобхонларнинг талаб ва истакларини ўрганиш, улар билан мулоқот қилиш, сўровномалар ташкил этиш, шунга биноан истиқболдаги вазифаларимизни яна бир бор кўриб чиқишни мақсад қилганмиз.

Нашриётларнинг янги китоб маҳсулотлари, жумладан, нуфузли халқаро китоб кўргазмаларида совринли ўрин эгаллаган китоблари тақдимотлари, китоб муаллифлари, адиб ва шоирлар, китоб графикаси бўйича рассомлар, муҳаррирларнинг ўқувчилар билан бевосита ижодий учрашув-мулоқотлари, мушоиралар ва суҳбатлар байрамнинг янада қизиқарли, кўтаринки руҳда давом этишига хизмат қилмоқда.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг китоб графикаси ва миниатюра жанрида ижод қилаётган талабалари, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги "Баркамол авлод" болалар марказлари қошидаги тўгараклар аъзоларининг ижодий ишлари кўргазмалари, китобхонликни тарғиб этувчи халқ мақоллари, буюк алломаларнинг ҳикматли сўзлари битилган панноlar, мониторларда намойиш этилаётган нашриётлар фаолиятини акс эттирувчи видеолавҳалар байрам иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

– Байрамга қизим ва набираларим билан келдим, – дейди ЎзА мухбирига янгийўллик Ҳалима ая Қурбонова. – "Ёш китобхон", "Энг яхши китобхон" деб номланган викториналарда иштирок этиб, совринга китоб олдик. Байрамдан энг яхши совға – китоблар билан уйга қайтиш жуда завқли. Бугунги таассуротларимизни, китоблар оламидан олган ҳаяжонимизни яқинларимизга, маҳалладошларимизга сўзлаб берамиз.

Тадбир доирасида боғ саҳнасида таниқли санъаткорлар, ёш ижрочилар томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди. Республика ёш томошабинлар, Қўғирчоқ театрлари жамоалари ўз дастурларини тақдим этмоқда.

Байрамнинг навбатдаги кунларида "Китобдан яхши дўст бўлмас", "Китобга меҳр қўйсангиз, у сизни албатта муносиб тақдирлайди", "Китоб – энг яхши совға" мавзуларида интеллектуал викториналар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида "Китоб – миллатнинг бебаҳо маънавий ва маданий мероси" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтади.

**Икром АВВАЛБОЕВ**

